

шида 2-расмда келтирилган омиллар билан бевосита боғлиқ деган холосага келинди.

Шу билан биргалиқда, қишлоқ хўжалигида ерлардан самарали фойдаланиш қуйидаги талабларга мос келиши зарур:

1. Ер майдонидаги тупроқ ҳосилдорлиги кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатмаслиги.

2. Ҳар бир гектардан олинаётган ҳосил кўрсаткичи йилдан-йилга пасайиб кетмаслиги.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авазбаев С., Шарипов С.Р. Ер тузишининг назарий асослари. Ўқув қўйланма. – Т.: ТИҚХММИ, 2020. 13-бет (171 бет).
2. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш масалалари. // Иқтисод ва молия илмий журнали. 9-сон. 2015. 10-16-бетлар.
3. Алтиев А. Ер ресурсларидан фойдаланиши тизимини тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. Дисс. и.ф.д. 2017. – 238 б.
4. Бобохўжаев И., Узоқов П. Тупроқшунослик. – Т.: Мехнат, 1995. 237-238-бетлар.
5. Долматова О.Н. Значение земельных ресурсов в системе современного рыночного сельскохозяйственного производства. / О.Н.Долматова // Вестник Омского ГАУ, 2017. № 3 (27). С. 197-206.
6. Dunstan Gabriel Msuya. Farming systems and crop-livestock land use consensus. // Open Journal of Ecology. Vol. 3. № 7 (2013), p. 9.
7. Захарова Е.А. АПК, господдержка и эффект мультипликации. / Е.А.Захарова. // Российское предпринимательство. – М.: Креативная экономика, 2012. № 4 (2). С. 121-125.
8. Маркс К. Капитал: сочинения. / К.Маркс, Ф.Энгельс. 2-е изд. – М.: Государственное издание политической литературы, 1963. Т. 26. Ч. 2. – 608 с.
9. Мухторов Ў.Б. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш. Иқт. фан. б-ча фалсафа док. (PhD) дисс. автореф. – Т., 2021. 52-б.
10. Овчинникова Н.Г. Формирование механизма обоснования устойчивого землепользования. / Г.Н.Овчинникова. // Эконом. вестн. Ростовского государственного университета, 2009. Т. 2. № 2. С. 41-44.
11. Пренов А.Б. Ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. // Иқтисод ва молия илмий журнали. 6-сон. 2014. 37-42-бетлар.
12. Рикардо Д. Начало политической экономики и налогового обложения. / Д.Рикардо. // Антология экономической классики. – М.: Эконов, 1993. Т. 1. С. 397-473.
13. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. / А.Смит. // Антология экономической классики. – М.: Эконов, 1993. Т. 1. С. 79-396.
14. Султанов Б.Ф., Сайитмурадова Н.Б. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ижтимоий аҳамияти. // "O'zbekiston zamini" илмий-амалий ва инновацион журнал. 3-сон. 2020. 20-22-бетлар.
15. Steve Padgett Vasquez. Forest cover, development, and sustainability in Costa Rica: Can one policy fit all? // Land Use Policy. Vol. 67, 2017, pp. 212-221.
16. Ташматов Р. Ҳудудларда ер ресурсларидан фойдаланиши самарадорлиги таҳлили. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 4-сон, шюль-август, 2017. 10-б. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/magolalar/6\\_R\\_Toshmatov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/magolalar/6_R_Toshmatov.pdf)
17. Удачин С.А. Вопросы теории землеустройства. Учеб. пособие. / С.А.Удачин. – М.: Колос, 1955. – 162 с.
18. Journal of Ecology. Vol. 3. № 7 (2013), 9 р.
19. Ҳасанов Ш. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиши самарадорлигини ошириш. И.ф.д. дисс. 2017. – 224 б.
20. Weber M. The Agrarian History of the Ancient World / Weber. – М.: Canon C-Press, 2001. – 429 р.



#### **ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ ЗАНЖИРИДА АГРОСАНОАТ КЛАСТЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА ИЛФОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**Исмоилова Гулчирой Толлибой қизи –  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
таянч докторанти**

**doi** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a67](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a67)

**Аннотация.** Мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишилаш ва истеъмолга етказиб бериш занжиррида агросаноат кластерларини ривожлантириш бўйича илфор хорижий мамлакатлар тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** озиқ-овқат таъминоти, қишлоқ хўжалиги хомашёси, туташ тармоқлар, бирламчи ва чуқур қайта ишилаш, қўшилган қўймат занжирни, озиқ-овқат маҳсулотлари, кластерлаш, агросаноат кластерлари, кластер ядроси, хизмат кўрсатувчи тармоқлар, илм-фан, институционал тузилмалар, хориж тажрибаси.

ПЕРЕДОВОЙ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННЫХ КЛАСТЕРОВ В ЦЕПОЧКЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

Исмайлова Гулчирой Толлибай кизи -  
Базовый докторант (PhD) Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация.** В статье рассматривается опыт передовых зарубежных стран и возможности их применения по развитию агропромышленных кластеров в цепочке производства, промышленной переработки и реализации продовольственной продукции.

**Ключевые слова:** продовольственное обеспечение, сельскохозяйственное сырье, смежные отрасли, первичная и глубокая переработка, цепочка добавленной стоимости, продовольственные продукты, кластеризация, агропромышленные кластеры, ядро кластера; обслуживающие отрасли, наука, институциональные структуры, зарубежный опыт.

ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF AGRO-INDUSTRIAL CLUSTERS IN THE FOOD SUPPLY CHAIN

Ismoilova Gulchiroj Tolliboy kizi –  
doctoral student (PhD) of  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** The article discusses the experience of advanced foreign countries and the possibility of their application for the development of agro-industrial clusters in the chain of production, industrial processing and sale of food products.

**Keywords:** food supply, agricultural raw materials, related branches, primary and deep processing, clustering, agro-industrial clusters, cluster core, service industries, science, institutional structures, foreign experience.

**Кириш.** Мамлакатимиз озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти занжирида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”да белгиланганидек, “қўшилган қиймат занжирининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Маҳсулотларни даладан якуний истеъмолчигача етказиб бериш, яъни йифиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сертификатлаш занжирида интеграцион алоқаларнинг етарли тараққий этмаганлиги юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини чекламоқда” [1].

Шу муносабат билан республикамизда фермер хўжаликларининг қайта ишлаш саноати корхоналари билан чуқур ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган “агросаноат кластерлари”ни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Кластер ва манбаатдорлик – Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг келажаги. Илм-фан ва инновацияларни жорий этмай туриб, бу соҳани рақобатбардош қилиб бўлмайди” [2].

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да янги ва фойдаланишдан чиқсан ерларни ўзлашти-

риш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ошириш ва уларнинг нархлари барқарорлигини сақлаш каби бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган [3].

Тадқиқотларга кўра, озиқ-овқат етиштириш тармоқларида кластерлашув тенденциялари Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония, Жанубий Корея каби етакчи мамлакатларда кучли ривожланган бўлиб, бу мамлакатларнинг агросаноат кластерларини ривожлантириш бўйича илфор тажрибаларини чуқур ўрганиш ва уларни мамлакатимиз шароитларига мослаб кўллаш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш дол зарб масалалардан саналади.

**Адабиётлар таҳдили.** Тадқиқотларга кўра, кластер, жумладан агросаноат кластерини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш юзасидан бир қатор хорижлик ва мамлакатимиз олимлари илмий изланишлар олиб боришган. Илмий манбаларда “кластер” тушунчаси мазмунига оид турли ёндашувлар мавжуд. Айнан “кластер” атамаси фанга иқтисодий категория сифатида XX асрнинг 80-йилларида Майкл Порттер томонидан киритилган ва унга қуйидагича таъриф берилган: “Кластер – географик жиҳатдан бир жойда тўплланган ва ўзаро туташ соҳаларда фаолият кўрсатувчи компаниялар (хомашё етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар) ҳамда уларга алоқадор ташкилотлар (инфратузилмалар, университетлар, илмий тадқиқот муассасасаларидан).”

лари, технопарклар, тармоқ бирлашмалари, давлат бошқаруви органлари) гурӯҳи бўлиб, улар ўзаро бир-бирини тўлдиради ва кластер ёки унга кирувчи алоҳида компаниянинг рақобат устунлигини оширади” [4].

Пилипенко И.В. ўз тадқиқотларида Европа Иттифоқида кластерлаш сиёсатининг рақобатбардошлиқ ва интеграциялашувга тъсирини ўрганган [5].

2003 йилда Майкл Порттер таҳрири остида Стокгольм иқтисодий мактаби (О.Солвелл, Г.Линдквист) ҳамда Гарвард бизнес мактаби (К.Кетелс) олимлари томонидан “Кластер ташабbusлари яшил китоби (The Cluster Initiative Greenbook)” нашр этилди [6] ва унда дунё бўйлаб кластерларга оид 250 та дастурлар таҳдил этилиб, улар фаолияти самарадорлигини баҳолашга имкон берувчи “Кластер ташабbusи самарадорлиги модели (Cluster Initiative Performance Model) таклиф этилди. 2004 йилда Швециянинг Лунд университети олимлари томонидан “Кластер сиёсати оқ китоби (The Cluster Policies Whitebook)” [7] тайёрланди ва унда кластерга асосланган иқтисодий тараққиёт концепциясининг асосий элементлари, аҳамияти ва хусусиятлари, бу масалага оид назарий ва амалий ёндашувлар очиб берилди.

Кейинчалик 2007 йилда Европа кластер ва саноат трансформацияси обсерваториясига асос солиниб, Стокгольм иқтисодий мактабининг Стратегия ва рақобатбардошлиқ маркази олимлари О.Солвелл, ва Р.Тайгланлар мазкур обсерваторияда кластерлар фаолиятига оид ахборотлар базасини йиғишни бошлашди ва натижада 2013 йилда “Кластер ташабbusлари яшил китоби”нинг янгилangan варианти “Кластер ташабbusлари яшил китоби – 2.0 (The Cluster Initiative Greenbook 2.0)” [8] чоп этилди. Унда дунёning 50 мамлакатидан 356 та кластерлар фаолияти чуқур таҳдил этилиб, уларнинг афзаллик ва заиф жиҳатлари ҳамда рақобат устунликлари очиб берилди.

Агрокластерлар устида илмий тадқиқотлар олиб борган мамлакатимиз олимлари Ч.Муродов, Ш.Ҳасанов ва И.Фаниевлар уларнинг иқтисодий асоси, институционал хусусиятлари, ташкил этиш ва бошқариш усуслари, ўзаро алоқа турлари ва бошқа мезонлар бўйича туркумлаган ҳолда тадқиқ этишган [9].

**Тадқиқот методологияси.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва саноат кўламида чуқур қайта ишлаш занжирида агросаноат кластерларини ривожлантириш соҳасида тадқиқотлар олиб борган хорижий олимларнинг илмий ишлари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий асосларини ташкил этади. Тадқиқотда абстракт ва аналитик мушоҳада, норматив ва позитив таҳдил, қиёсий ва омилли таҳ-

лил каби усуслардан фойдаланилган.

Мақолани тайёрлашда Европа Иттифоқининг кластерлар фаолиятига оид институционал тузилмалари, АҚШнинг Калифорния виночилик кластери, Япониянинг “Хоккайдони комплекс илмий-техник ривожлантириш маркази” жамоат фонди, Корея Миллий озиқ-овқат кластери маълумотлари, илмий тадқиқот муассасаларининг ишланмалари ва бошқалардан фойдаланилган.

#### **Таҳдил ва натижалар муҳокамаси.**

“Кластер” назариясини ўрганиш жаҳон ҳамжамиятида тез суръатларда оммалашиб бормоқда ва уни амалиётда қўллаш эса, миллий ва минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий шартларидан бирига айланниб бормоқда. М.Порттернинг фикрича, мамлакатлар рақобатбардошлигини алоҳида фирманинг рақобатбардошлиги орқали эмас, балки кластерлар – турли тармоқларга мансуб ўзаро боғлиқ фирмалар гурӯҳлари рақобатбардошлиги орқали қараш керак. Дунё бўйлаб 10 мамлакатдан 100 дан ортиқ тармоқларни таҳдил этиш асосида Порттер шундай хуносага келадики, турли мамлакатлар бўйлаб тартибсиз ёйилиб кетган трансмиллий компанияларга қарагандা бир мамлакат, ҳатто бир худуд доирасида кластерларга жамланган ҳамкор компаниялар юқори рақобат устунлигига эга бўларкан [10].

*Европа Иттифоқи.* Маълумотларга кўра, Европа Иттифоқи мамлакатларида фаол кластерлаштириш сиёсати (КС) 2000-йиллар бошидан амалга ошира бошланган ва ҳозиргacha 5 босқичдан иборат даврни қамраб олади [11].

1-босқич (2000-2006 йиллар) – Европа Комиссияси PHARE дастури орқали кластерларни қўллаб-куватлашга қаратилган синов (пилот) ташабbus дастурларини амалга ошира бошлади. “Европа мамлакатларида кластерлаштириш тўғрисидаги манифест” (2006 й.) қабул қилинди.

2-босқич (2007-2009 йиллар) – “Кластерлар тўғрисидаги Европа меморандуми” (2008 й.) қабул қилинди, Европа Кластер обсерваториясига асос солинди ва ахборот-таҳлилий материаллар базаси яратила бошланди.

3-босқич (2010-2012 йиллар) – кластерлаштириш дастурлари сифатини оширишга, уларни баҳолаш ва табақалаштириш инструментларини шакллантиришга ҳамда кластерларни бошқариш бўйича юқори малакали менежерлар тайёрлашга эътибор қаратилди.

4-босқич (2013-2017 йиллар) – “ақлли ихтисослашув” ва “ўсиш нуқталари” тамойиллари асосида кластерларни ҳудудий ривожланиш дастурларига интеграциялаш орқали ҳудудларнинг рақобат устунликларини оширишга ва

таркибий ўзгаришларни чуқурлаширишга кўмаклашиш.

5-босқич (2017 йилдан ҳозиргача) – янги иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кластерларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли дастурларни амалга ошириш.

Маълумотларга кўра 2010 йиллар бошида Европанинг 28 мамлакатида 42 млн. киши банд бўлган 2101 кластер фаолият юритган бўлиб, уларнинг 241 таси ёки 11,5 %ини агрокластерлар ташкил этган ва уларда жами кластерларда бандларнинг 4,5 миллионы ёки 10,8 %и фаолият юритган.

Европа мамлакатлари ичida агросаноат кластерлари сони бўйича Греция (36), Испания (35), Болгария (22), Франция (20), Польша (19), Руминия (16), жами тармоқ кластерлари сонида агросаноат кластерлари салмоғи бўйича Болга-

рия (45,8 %), Греция (45,0 %), Испания (23,8 %), Исландия (20,0 %), Венгрия (18,6 %), Нидерландия (14,5 %), Франция (12,1 %) ва Польша (11,8 %) етакчилик қилган [12].

Ривожланган 20 мамлакатнинг 500 та кластери фаолиятини таҳлил этиш асосида шу холосага келинганки, улар иқтисодиётнинг юқори рақобатбардошлиги таянч тармоқлардаги кластерларнинг ривожланиш салоҳиятига боғлиқ. Хусусан, ИХРТ (OECD) маълумотига кўра, Финляндия, Бельгия, Франция, Италия ва Нидерландия мамлакатларида аграр ва озиқовқат ҳамда биотехнология тармоқларидағи кластерлар улар иқтисодиёти тараққиётида муҳим роль ўйнаган [13].

Европа Иттифоқида кластерлаш сиёсатини кўллаб-куватлаш бўйича кенг қамровли институционал тузилмалар шакллантирилган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Европа Иттифоқининг кластер сиёсатини қўллаб-куватловчи институционал тузилмалар

| Номланиши   | Фаолият йўналиши   | Ташкил топган йили, муассислар/Инвесторлар   | Иштирокчилар  |
|---|--|--|---|
| Европа кластер ва саноат трансформацияси обсерваторияси | Кластерлар ва кластерлаш ташабbusлари бўйича ахборот йиғиш ва таҳлил этиш, стратегиялар ишлаб чиқиш ва тавсия этиш | 2007 й., Европа Комиссиясининг ички бозор, саноат, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес бўйича Бош директорати   | 36 та мамлакат кластерларига оид ахборот манбаига эга           |
| Европа юқори классли кластерлар фонди                   | Кластерлар фаолиятига оид энг яхши тажрибаларни оммалаштириш ва таълим берувчи дастурлар                           | 2003 й., Каталония ҳукумати, Инновациялар бўйича швед агентлиги (Vinnova), Буюк Британия ривожланиш агентлиги  | Миллий ва ҳудудий ҳукуматлар, агентликлар, кластер ташкилотлари |
| Кластер таҳлили бўйича Европа секретариати              | Бенчмаркинг ва кластерларни сертификатлаш, кластерларни бошқаришни ташкил этиш                                     | 2009 й., Европа кластерларини такомилаштириш ташабbusи (European Cluster Excellence Initiative) – VDI/VDE Innovation + Technik GmbH  | 30 дан ортиқ мамлакатлардан кластер бўйича эксперталар тармоғи  |
| Ҳамкорлик бўйича Европа кластер платформаси             | Ахборот йиғиш, маҳсус тадбирларни ташкил этиш, кластерлар орасида халқаро алоқаларга кўмаклашиш                    | 2016 й., Рақобатбардошлиқ, тадбиркорлик ва кичик бизнес дастури (COSME) молиялаштиради, Европа Комиссиясининг ички бозор, саноат, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес бўйича Бош директорати томонидан ташкил этилган | Дунё бўйлаб 950 дан ортиқ кластерлар аъзо                       |
| Европа кичик ва ўрта бизнес тармоғи                     | Кичик ва ўрта бизнес учун энг кенг тармоқ сифатида уларнинг халқаро майдонда ўсишига кўмаклашади                   | 2008 й., Европа Комиссияси ташкил этган. COSME билан ҳамкорликда иш олиб боради  | 60 мамлакат, 600 ташкилотдан 3000 эксперт аъзо                  |

**Манба:** [https://ec.europa.eu/growth/industry/policy/cluster/emerging-industries\\_en](https://ec.europa.eu/growth/industry/policy/cluster/emerging-industries_en). сайти маълумотлари асосида тузилган.

Бу тузилмалар кластерлар фаолиятига оид ахборотлар базасини шакллантириш, таҳлил этиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан биргаликда ҳукумат олдида улар манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини ҳам ўтайди.

Ҳозирги кунда Европада кластелараро тизим (network) шаклланиши жараёни чуқурлашмоқда. Жумладан, бунга мисол тариқасида озиқ-

овқат тармоқларидағи кластерларни ягона тизимга бирлаштириш учун 2007 йилда асос солинган “Озиқ-овқат кластери ташабbusи (Food Cluster Initiative)”ни келтириш мумкин. Бу ташабbus “Европа Озиқ-овқат инновацион тармоғи лойиҳаси – FINE (Food Innovation Network Europe)” базасида юзага келган. Бу лойиҳа озиқ-овқат секторида фаолият юритувчи кластерлар

тармоғи бўлиб, у қўйидаги хусусиятлари билан фарқланади: кластерлар жойлашган ҳудудлар иқтисодиётида озиқ-овқат саноати мухим роль ўйнайди; мазкур ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тармоғи яхши ривожланган; озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш соҳаларида илм-фан ютуқлари кенг қўлланилади; озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги давлат томонидан кучли қўллаб-кувватланади; кластерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар ва институционал тузилмалар кенг тараққий этган.

“Европа кластерлари ҳамкорлиги дастури (The European Cluster Partnerships)” Европа Комиссияси томонидан кластерлараро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ишга туширилган [14]. Бу дастур ресурслар ва билимларни бирлаштириш орқали стратегик аҳамиятга эга қўшма лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-кувватлади. Пировард мақсад Европада иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликтини рағбатлантириш. Дастур тўрт қисмдан иборат:

1. Европа Иттифоқида кластерларга уюшган кичик ва ўрта бизнес корхоналари инновацион салоҳиятини шакллантириш мақсадида тармоқлараро индустрисал қўйимат занжирларни ривожлантиришни рағбатлантирувчи INNOSUP дастури.

2. Кластерларнинг бошқа мамлакатлар кластерлари билан интернационаллашувини рағбатлантирувчи “European Cluster Partnerships for Going International” дастури.

3. Европа Иттифоқи комиссиясининг “Европа кластерларини мукаммаллаштириш бўйича ҳамкорлик (European Cluster Partnerships for Excellence) дастури”. Бу дастур кластерлар фаолиятини таҳлил этиш ва бенчмаркингни амалга ошириш орқали такомиллаштириш, хизматларни яхшилаш, илфор тажрибаларни оммалаштириш, кластерларни жаҳон стандартлари даражасида бошқариш бўйича профессионал менежментни шакллантиришни рағбатлантиради.

4. “Ақлли ихтисослашган инвестициялар бўйича Европа кластерлари ҳамкорлиги (The European Cluster Partnerships for Smart Specialisation Investments ESCP-S3)” Европа Комиссиясининг COSME дастури доирасида ишга туширилган бўлиб, кластерлар рақобатбардошлигини оширишга инвестициялар киритишни рағбатлантиради. Хусусан, саноатни модернизациялаш учун интеллектуал ихтисослашув платформаси доирасида кластер ҳамкорлиги ва тажриба алмашинувини қўллаб-кувватлади.

Кейинги йилларда кластерлар ривожлашини инновацияларсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. “Европа мамлакатларида кластерлаштириш тўғрисидаги Манифест”да таъ-

кидланганидек, “ҳозирги кучли рақобат муҳитида фирмаларнинг рақобатбардошлиги харажатлар ҳажмига боғлиқ бўлмасдан, кўпроқ уларнинг инновацион салоҳияти, маҳсулотлар диверсификацияси ва сифатига боғлиқ бўлиб бормоқда. Энди кластерлар инновацион жараёнларнинг кучли катализаторига айланиши ва уларнинг фаолияти кўпроқ инновацион ривожланишга йўналтирилган бўлиши лозим. Инновациялар иқтисодий ўсишни таъминлашини, инновациялар асосида эса илмий тадқиқотлар ётишини эътиборга олсак, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатлар ҳажми бундан буён мамлакатлар тараққиётининг асосини белгилаб беради” [15].

Европадаги йирик шаҳарлар агломерацияси атрофида озиқ-овқат кластерини (инглизчадан Metropolitan Food Cluster) шакллантириш жараёнлари кучайиб бормоқда. Уларнинг шаклланиш хусусиятлари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- вертикал интеграция (хомашёдан тайёр маҳсулот етиштиришгача): озиқ-овқат маҳсулотлари нархида қўшилган қийматнинг 60 %игача қисми қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида шаклланади. Бу жараёнларни ягона занжирга бирлаштириш ресурслар (фойда)нинг бир қисмини қуи звенодаги ишлаб чиқарувчиларга йўналтириш имконини беради;

- горизонтал интеграция: маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнларини ягона занжирга бирлаштириш чиқиндилар ва йўқотишларни камайтириб, қўшимча ва ёндош маҳсулотлардан самарали фойдаланишга йўл очади;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши инфратузилмалари, кадрлар салоҳияти ва илфор тажрибалардан биргаликда фойдаланиш ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, унумдорликни оширади.

Бунга мисол тарикасида Австрияning Plus Есо озиқ-овқат кластерини келтириш мумкин. Кластерда иштирок этувчи компаниялар сони – 104 та. Ходимлар сони – 11,7 минг киши. Товар айланмаси – 2,8 млрд. евро. Мақсади: органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички бозорини ривожлантириш; юқори сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш; ишлаб чиқаришнинг инновацион усуllibарини жорий этиш.

Таркибига кирувчи фаолият йўналишлари: органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш; озиқ-овқат саноати учун асбобускуналар ва қадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш; лабораторияларда илмий тадқиқотлар олиб бориш асосида инновацион маҳсулотлар

яратиш; озиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси.

Мазкур метропол озиқ-овқат кластери (Metropolitan Food Cluster) Австрияning йирик шаҳарлари атрофида жойлашган бўлиб, кўп сонли шаҳар аҳолисини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш имконини бермоқда.

**Дания.** Дания Европанинг энг тараққий этган мамлакатларидан бири саналади ва бу мамлакатнинг кластерлаш сиёсатини ўрганиш диққатга сазовор. Глобал рақобатбардошлик рейтинги маълумотларига кўра, дунё кўламида рақобатбардош кластерлар яратиш жараёни бўйича Европа мамлакатларидан энг юқори кўрсаткични Дания (дунё бўйича 5-йурин) эгаллаган.

Данияда кластерлаш энг юқори даражада қамраб олинган соҳа – агросаноат мажмуасидир. Данияда 1990-йиллар бошидан мамлакат иқтисадиёти тармоқларини кластерлаш салоҳиятини ўрганиш бўйича фирмалар ва компаниялар аналитиклари, университетлар ва илмий тадқиқот муассасалари олимлари, давлат бошқарув органлари вакилларидан иборат 513 экспертни қамраб олган 35 ишчи гурухлар тузилиб, бу мақсадлар учун 25 млн. АҚШ доллари эквивалентида маблағ ажратилган. Экспертлар гурухларига 3 йил давомида 1522 таклифлар келиб тушган ва уларни ўрганиш асосида кластерлаштириш жараёнининг барча жабҳаларини қамраб олган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Даниянинг агросаноат макрокластерлари таркиби тузилмаси камида 5 та элементни ўз ичига олади: қишлоқ хўжалиги хомашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари; қайта ишлаш корхоналари ва кооперативлари; хизмат кўрсатиши инфратузилмалари; илмий тадқиқот ва ўқув муассасалари; институционал тузилмалар (давлат бошқарув органлари, уюшмалар, жамғармалар) (1-расм).

Фермерлар моддий-техника таъминоти, тайёрлов ва қайта ишлаш, техника ва бошқа хизматлар кўрсатиши бўйича бир ёки бир нечта кооператив аъзоси бўлиши мумкин. Бу кластер тизимининг устунлик томони шундаки, фермерлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар кооперативлар томонидан тўлиқ қабул қилинади ва қайта ишлаш ёки сотиш жараёнлари билан кооперативлар шуғулланади. Фермерларнинг ўзлари кооперативларнинг мулкдорлари бўлгани туфайли олинган фойда улар ўртасида мутаносиб (топширган маҳсулоти ёки устав капиталидаги улушкига қараб) тақсимланади.

Илмий тадқиқот муассасалари кластер аъзоларини инновацион ғоя ва ишланмалар билан таъминлайди. Инновацион маҳсулотлар яратишга йўналтириладиган илмий тадқиқот харажатларининг 80 %и ва маслаҳат хизматлари ҳақининг 10 %и давлат томонидан қопланади.

#### I-БЛОК – ХОМАШЁ ТАЪМИНОТИ:

- 69 мингга яқин оиласи фермер хўжаликлари;
- бир фермер хўжалигининг ўртача ер майдони – 40 га

#### III-БЛОК – ХИЗМАТ КЎРСАТИШ:

- ишлаб чиқариши маддий ресурслар билан таъминлаш ва хизматлар кўрсатиши инфратузилмалари;
- банк-молия, сугурта, сотиш ва бошқа бозор инфратузилмалари

#### II-БЛОК – САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ:

- фермер хўжаликлари улуш қўшиб ташкил этган 300 дан ортиқ тайёрлов ва қайта ишлаш кооперативлари (80 % хомашё кооперативларда қайта ишланади);
- мустақил қайта ишлаш корхоналари

#### IV-БЛОК – ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН ТАЪМИНОТ:

- 12 та университет, 5 та илмий марказ, 100 та генетик-селекция ва биотехнология лабораториялари, 25 та коллежлар;
- кенг тарқалган ахборот-маслаҳат (консалтинг) хизматлари

#### V-БЛОК – ИНСТИТУЦИОНАЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ:

- Қишлоқ хўжалиги кенгаши;
- Дания кооперативлар федерацияси;
- Дания фермерлар иттифоқи федерацияси;
- давлат бошқаруви органлари;
- турли жамғармалар ва бошқ.

1-расм. Дания агросаноат макрокластери таркиби [16]

**Америка Кўшма Штатлари (АҚШ).** Тадқиқотларга кўра, кластерлар ривожланиши бўйича дунёдаги учта етук марказлардан (Шимолий Америка, Фарбий Европа ва Жануби-шарқий


Осиё) бири АҚШ саналади. Кластер сиёсатининг америкача модели нисбатан либераллиги ва табиий-эволюцион тарзда шаклланганлиги билан тавсифланади. Яъни бу мамлакатда кластерни

шакллантириш борасидаги асосий ташаббуслар давлат эмас, балки бизнес, университетлар, илмий марказлар ва жамғармалар зиммасига тушади.

АҚШда кластерлаштириш жараёнлари 1970-80 йилларда бошланган. Гарвард бизнес мактабининг Рақобат ва стратегиялар институти томонидан кластер районлари картаси ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда 400 дан ортиқ тур-

ли соҳаларга ихтисослашган кластерлар фаолият олиб боради.

АҚШда кўп сонли агросаноат кластерлари мавжуд бўлиб, уларнинг энг кучлилари Вашингтон, Оклахома, Луизиана, Жанубий Каролина ва Калифорния штатларида фаолият кўрсатади. АҚШнинг Калифорния виночилик кластери тузилиши ва ривожланишини ўрганиш амалий қизиқиш уйғотади (2-расм).



**2-расм. Калифорния виночилик кластери ташкилий тузилмаси [17, 18]**

Калифорния виночилик кластери ташкилий тузилмаси иккита қисмдан ташкил топган:

1. Ядро – узум етиштирувчи хўжаликлар ва уни қайта ишловчи виночилик компаниялари.

2. Сателлитлар – моддий ресурслар таъминоти, турли хизматлар, сотиш, илмий таъминот ва институционал қўллаб-қувватлаш тузилмалари.

Кластер тизими жорий этилиши натижасида Калифорния АҚШнинг 90 % узум ва 80 %дан ортиқ вино маҳсулотини тайёрлаб берадиган йирик ҳудудга айланди. Кластерга кирган фермер хўжаликлари ва компанияларда 299 минг гектар узумзорлар мавжуд ва 40 мингга яқин ишчи-ходимлар меҳнат қиласи.

Кластер доирасида таълим ва илмий тадқиқот муассасалари (Калифорния университетининг Виночилик факультети, Виночилик институти, Узумчилик экспериментал станцияси ва бошқ.) билан ҳамкорлик натижасида узумнинг ҳосилдор ва сифатли навлари яратилган. Шунингдек, қурғоқчилик шароитида узумзорларни томчилатиб суғориш бўйича инновацион технология жорий этилган. Кластернинг таълим ва илмий тадқиқот муассасалари Европа университетлари ва илмий масканлари билан мустаҳкам алоқани йўлга кўйган. Бу сегмент кластер тизимидағи хўжалик ва компаниялар учун кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш, турли кўргазма ва тренинг дастурларини амалга ошириш билан ҳам шуғулланади.

Калифорния виночилик кластерининг хусусиятларидан яна бири – кластер тизимида учтурдаги сотиш тармоқларининг мавжудлиги саналади:

1. Виночилик компанияларига қарашли хусусий улгуржи сотиш базалари ва дўконлари.
2. Йирик ихтисослашган савдо компаниялари.
3. Чакана савдо тармоқлари – супермаркет, ресторонлар, интернет-савдо ва бошқалар.

Калифорния виночилик кластери таркибида қишлоқ хўжалиги кластери, озиқ-овқат саноати корхоналари кластери ва туризм кластери ҳам фаолият кўрсатади. Шу жиҳатдан у интеграциялашган тармоқлараро кластерлар тўри (сеть) саналади.

Келтирилган маълумотлар асосида хulosса қилиш мумкинки, Калифорния виночилик кластери ўз таркибида барча зарурий тузилмаларни олган ва самарали тизимга эга замонавий агропроцессор кластери саналади.

**Япония.** Японияда кластерлар ривожланишини қўллаб-куватлашда марказий ва худудий давлат органларининг роли кучли. Худудий органларга ўз маблағларидан кластер ташаббусларини амалга оширишга рухсат этилган. Бу жараёнда венчур жамғармалари, университетлар, илмий тадқиқот институтлари ва корпоратив бизнес тузилмалари фаол ҳамкорлик қилишади. Кластерлашдан кўзда тутилган асосий мақсад бизнес, илмий жамоалар ва давлат органларининг самарали ҳамкорлиги орқали инновацион ривожланишини қўллаб-куватлаш ва худудлар рақобатбардошлигини оширишdir.

Инновацион ишланмаларни бизнесда қўллаш ва тижоратлаштиришга интилиш япон кластерларининг асосий хусусиятларидан бирини ифодалайди. Японияда “Билимга асосланган кластер ташабbusi (Knowledge cluster initiative)” дастури доирасида 18 худудда кластерларни ривожлантириш амалга оширилмоқда. Бу дастурда маҳаллий университетлар кичик инновацион фирмалар ва йирик саноат компаниялари ҳамкорлигини таъминловчи ядро вазифасини ўтайди [19].

Япониянинг Хоккайдо губернаторлигини ривожлантириш мақсадида 1950 йилда “Хоккайдони ривожлантириш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, бу қонун асосида ҳар 10 йилда “Хоккайдони ривожлантириш Бош режаси” ишлаб чиқилиб, амалга оширилади (охирги 8 чиши 2016-2025 йиллар учун қабул қилинган). Япониянинг Ер, инфратузилмалар, транспорт ва туризм вазирлигининг Хоккайдо департаменти ва Хоккайдони ривожлантириш агентлиги ҳамкорлигига Бош режани амалга ошириш учун устувор лойиҳалар ва бунинг учун зарур маблағ-


лар шакллантирилиб, Япония Молия вазирлигига тақдим этади ва у асосда “Хоккайдони ривожлантириш бюджети” ишлаб чиқилади.

Мазкур худуднинг рақобат устунлиги асан икки тармоқ; озиқ-овқат сектори ва туризмда яққол намоён бўлади. Шу сабабдан мазкур соҳаларга устувор равишда маблағлар ажратилиб, лойиҳалар шакллантирилади. Хоккайдонинг Япония ривожида алоҳида аҳамияти борлигини эътиборга олиб, бу худудга давлат субсидиялари ажратишда алоҳида оширилган коэффициентлар қўлланилади. Бунинг натижасида 2008-2016 йилларда Хоккайдонинг озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажми 262 дан 702 млн. иена-га ёки 2,7 марта, 2003-2016 йилларда хорижий туристлар оқими эса 29 мингдан 230 минг кишига ёки 7,9 марта ошган [20]. Мазкур худудда кластерлар тизими яхши тараққий этган бўлиб, бу борадаги илфор тажрибаларни ўрганиш ва уларни республикамиз шароитида қўллаш имкониятларига баҳо бериш фойдадан холи эмас.

Япониянинг мазкур худуди учун дастлабки кластерлаш ташабbusi 1998 йили “Хоккайдо саноат кластерлари Концепцияси” ишлаб чиқилиши билан бошланган ва бунда Дания ҳамда Финляндиянинг бу борадаги тажрибалари асос қилиб олинган. 2001 йилдан бошлаб Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлигининг “Саноатни кластерлаштириш режаси” амалга оширила бошланган. Шу билан бир вақтда Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлигининг “Интеллектуал кластерларни яратиш лойиҳаси” ишга туширилган. Япония ҳукуматининг молиявий кўмагида худудлар саноатини кластерлаш салоҳиятини баҳолаш ва танлаб олиш мақсадида 20 та илмий тадқиқот ишчи гурухлар шакллантирилган.

Саноат ва унга туташ тармоқларда кластерларни шакллантириш 3-расмда келтирилган тартибда амалга оширилган. Келтирилган расм асосида хulosса қилиш мумкинки, Япониянинг Хоккайдо худудида саноат кластерларини шакллантириш ва худуд бўйлаб жорий этиш бўйича концепция ишлаб чиқилган ва бунга масъул ташкилотлар ҳамда уларнинг вазифалари белгилаб берилган. Ҳар бир вилоятда “Кластерлар кооперацияси кенгаши” ва унинг штаби шакллантирилган.

Мазкур штабларнинг асосий вазифаси танлаб олинган худудларда туташ тармоқлардаги корхоналар, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар, қўллаб-куватловчи институционал тузилмаларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш орқали худуднинг рақобат устунлигини ошириш ва “қўшилган қиймат занжирни” ривожлантириш саналади.




3-расм. Хоккайдо губернаторлигига кластерни шакллантириш тизими [20]

Хоккайдода шаклланган кластерлаш тизими қуидаги ёндашувлар асосида шакллантирилган (4-расм).

Кластерлар ривожланишини қўллаб-куватлаш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилиши ва давлат бюджетидан молиялаштирилиши, бу жараёнга давлат органларидан ташқари

турли нодавлат институционал тузилмалар (уюшмалар, жамоат фондлари, бошқа жамоат ташкилотлари), молия-кредит (банклар, венчур фондлар ва ҳ.к.) ҳамда илмий тадқиқот муассасаларининг кенг жалб этилиши бу жараёнга давлат миёсида тизимли ёндашув мавжудлигини кўрсатади.



4-расм. Хоккайдода саноат kластерлари доирасида ўзаро ҳамкорлик (кооперация) орқали қўшилган қийматни ривожлантириш тизими [20]

**Жанубий Корея.** Жанубий Кореяда аграр ва озиқ-овқат секторини кластерлаштириш жарайнлари давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми саналади, таркибида агроса-

ноат кластерларини ривожлантириш масалалири бўйича гурух фаолият кўрсатади.

Жанубий Кореяning Шимолий Жеола провенциясидаги Иксан ҳудудида (Iksan, North

Jeolla Province) Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва қишлоқ масалалари вазирлиги ва Жеола провенцияси ҳукумати кўмагида 232 гектар ер майдонида Корея Миллий озиқ-овқат кластерини (Korea National Food Cluster – "Foodpolis") ташкил этиш учун 480 млн. АҚШ доллари қийматида инвестиция сарфланган бўлиб, кластерда 150 та озиқ-овқат етиширучи компаниялар ва 10 та илмий тадқиқот марказлари фаолият кўрсатади [21].

"Foodpolis" кластери инновацион ёндашувлар асосида қўшилган қиймати юқори, соғлом ва сифатли озиқ-овқат яратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳамда қадоқлаш соҳаларида компаниялар ҳозир ишлаб чиқараётган ва келгусида ишлаб чиқариши кўзда тутиладиган янги турдаги маҳсулотларини мукаммалаштириш борасида фаолият олиб боради. Кластер 20 турдаги шундай маҳсулотларни яратиш устида ишламоқда.

Мазкур кластер "билимга асосланган инновацион маҳсулот" ёндашуби асосида фаолият олиб боради ва давлат томонидан молиялаштириладиган илмий тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлар билан мустаҳкам алоқага эга: Қишлоқ худудларини ривожлантириш маъмурити (Rural Development Administration); Корея Озиқ-овқат илмий тадқиқот институти (Korea Food Research Institute); Дехқончилик фанлари миллий институти (National Institute of Crop Science); Боғдорчилик ва доривор ўсимликлар фанлари миллий институти (National Institute of Horticultural Herbal Science); Қишлоқ хўжалиги фанлари миллий академияси (National Academy of Agricultural Science); Зоотехника ва ветеренария миллий институти (National Institute of Animal Science); Иксандаги Вонкванг университети (Wonkwang University in Iksan); Жеонбук миллий университети (Jeonbuk National University).

Кластер тизимидағи фирма ва корхоналар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида "Foodpolis" кластери худудида 6 та тузилма ташкил этилган: Озиқ-овқат маҳсулотларини баҳолаш маркази (Food Functionality Assessment Center); Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш маркази (Food Quality Safety Center); Озиқ-овқат маҳсулотларни қадоқлаш маркази (Food Packaging Center); Корея озиқ-овқат кластерлари агентлиги (Agency for Korean Food Cluster); кичик фирмаларга ижарага бериш учун қурилган заводлар (Rental Plants); тажриба намуналарини яратадиган синов заводи (Pilot Plant) [22].

Келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, Корея Миллий озиқ-овқат кластерида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги маҳсулот ғоясини шакллан-

тириш – ишлаб чиқариш технологиясини яратиш – маҳсулотни синов намунасини ишлаб чиқариш – саноат кўламида ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш – реализация қилиш босқичлари бизнес – илмий тадқиқот – давлатнинг мустаҳкам ҳамкорлиги асосида ташкил этилган.

**Хулоса ва тавсиялар.** Кластерлар томонидан ривожланган хорижий мамлакатларда эришилган илғор тажрибаларни умумлаштириш асосида қўйидагиларни тавсия этамиз:

1. Республика изда пахта-тўқимачиликдан ташқари бошқа агросаноат тармоқларида кластерлар манфаатини ҳимоя қилувчи ва ташабbusларни илгари сурувчи институционал тузилмалар мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб "Пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси" негизида "Республика агросаноат кластерлари уюшмаси"ни ташкил этиш, шунингдек, туман ҳокимлиги ҳузурида жамоатчилик асосида "Кластерларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва қўллаб-кувватлаш Кенгаши"ни тузиб, унинг таркибиға ҳокимиятнинг тегишли бўлимлари, Фермер ва дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгashi, Савдо-саноат палатаси, ўкув ва илмий муассасалар, тижорат банклари ва бошқа тузилмалар вакилларини киритиш мақсаддага мувофиқ.

2. Республикада "Агросаноат мажмуаси тармоқларини кластерлаш Концепцияси"ни ва унинг доирасида "Республика агросаноат кластерларини комплекс ривожлантириш давлат дастури"ни ишлаб чиқиб, унда: кластерларни республика худудлари бўйлаб районлаштириш ва жойлаштириш харитаси; ихтисослашуви; жалб этиладиган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати; кластерларнинг ишлаб чиқариш-ресурс салоҳияти; амалга ошириладиган аниқ лойиҳалар турлари; маҳсулот ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари; жалб этиладиган инвестициялар қиймати, йўналишлари ва манбалари каби мақсадли прогноз кўрсаткичларни киритиш ва амалга ошириш яхши самара беради.

3. Ўзбекистонда Жанубий Корея агросаноат кластерларининг: қишлоқ худудларини ривожлантириш дастурларини қўллаб-кувватлаш; қишлоқ худудларида демографик ҳолатни яхшилаш (қишлоқ аҳолиси, асосан ёшларнинг шаҳарга кетиб қолишини камайтириш); қишлоқ худудларида демографик ҳолатни яхшилаш (қишлоқ аҳолиси, асосан ёшларнинг шаҳарга кетиб қолишини камайтириш); тарихий уйларни аслича сақлаб қолиш ва туризм обьектига айлантириш; агротуризм (шаҳар аҳолиси ва болалар учун ўз қўллари билан мева-сабзавотларни узиш ёки уларни қайта ишлаб ва тайёрлашда иштирок этиш); қишлоқда меҳмонхона бизнесини йўлга кўйиш; фестивал ва турли тадбирлар

ўтказиш тажрибаларидан самарали фойдаланиши мумкин.

4. Кластерлар юксак тараққий этган илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, “глобаллашув” ва “билимлар иқтисодиёти” шароитида кластерлар инновацион ривожланишнинг энг асосий манбаларидан бири бўлиб бормоқда. Шу сабабли ривожланган мамлакатлар кластерлари таркибида “билим ва инновациялар блоки”, яъни университетлар, илмий тадқиқот муассасалари, синов лабораториялари, венчур фонdlар ва старт-ап

лойиҳалар иштироки асосий шартлардан бири саналади.

Фикримизча, республикамизда шакллантирилаётган кластерлар таркибида “Инновацион ишланмалар ва янги бизнес ғояларини жорий этиш” марказлари (лабораторияси)ни шакллантириб, кластер ихтисослашувидан келиб чиқиб етакчи университетлар ва илмий тадқиқот институтларини уларга биритириш, илмий-инновацион марказлар, венчур фонdlар ва компаниялар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

***Манба ва фойдаланилган адабиётлар:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. <https://president.uz/uz/lists/view/3889>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли **фармони**. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Porter M.E. *Clusters and the New Economics of Competition*. // Harvard Business Review. – Cambridge, 1998. Vol. 76, № 6. –P. 77.
5. Пилипенко И.В. Конкуренцспособность и интеграция: кластерная политика в Европейском Союзе. Мировое развитие, выпуск 2, ИМЭМО РАН, Москва, Россия, 2007. С. 24-32.
6. Sölvell Ö., Lindqvist G., Ch. Ketels forward by M.E. Porter. *The Cluster Initiative Greenbook*. Bromma tryck, AB, Stockholm 2003. P. 94.
7. Andersson Th., S.Sch. Serger, J.Sörvik, E.W.Hansson. *The Cluster Policies Whitebook*. IKED, Holmbergs, Sweden. 2004. P. 267.
8. Lindqvist G., Ch.Ketels, Ö.Sölvell. *The Cluster Initiative Greenbook 2.0*. Ivory Tower Publishers, Stockholm 2013. P. 66.
9. Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Ганиев И. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига қайта ишлашни ривожлантиришда агрокластерларни яратишдаги дастлабки қадамлар. “Ўзбекистон агросаноат маъжмуасининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтиши” мавзусидаги республика илмий- амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. ТДИУ, 2014 йил 30 апрель.
10. Порттер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993.
11. Мешков И.А. Основные черты кластерной политики ЕС. // Современная Европа, 2020, № 1, с. 182-190. [http://www.sov-europe.ru/images/pdf/english/\\_2020/1-2020/17.pdf](http://www.sov-europe.ru/images/pdf/english/_2020/1-2020/17.pdf).
12. Чирков Е.П., Волкова Т.И. Зарубежный опыт формирования и развития агропромышленных кластеров и его адаптация в Российскую практику. // Теория и практика мировой науки, № 2, 2016. С. 16-18. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=28880851>.
13. Новикова Ю.О. Агропромышленные кластеры как форма инновационного развития отрасли. // Вопросы управления. 2019. № 6 (61). С. 137-146.
14. European Commission. Internal Market, Industry, Entrepreneurship and SMEs General Directorate. [https://ec.europa.eu/growth/industry/strategy/cluster-policy/european-clusters-excellence\\_en](https://ec.europa.eu/growth/industry/strategy/cluster-policy/european-clusters-excellence_en).
15. Мешков И.А. Основные черты кластерной политики ЕС. // Современная Европа, 2020, № 1. С. 182-190. [http://www.sov-europe.ru/images/pdf/english/\\_2020/1-2020/17.pdf](http://www.sov-europe.ru/images/pdf/english/_2020/1-2020/17.pdf).
16. Настанин А.А. Формирование агропромышленного кластера в регионе. Дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. по спец. 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством. – М., 2013. С. 29-31.
17. Дайжест: Кластеры в виноградарстве и виноделии. Коллектив авторов. Центр научно-технической информации при министерстве инновационного развития республики Узбекистан. – Т., 2022. С. 5.
18. Настанин А.А. Формирование агропромышленного кластера в регионе. Дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. по спец. 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством. – М., 2013. С. 27.
19. Безруких Д.В., Крюков А.Ф. Зарубежный опыт кластеризации в развитии экономики инноваций. Вестник КрасГАУ. 2013. № 9. С. 20.
20. Япониянинг “Хоккайдони комплекс илмий-техник ривожлантириш маркази” жамоат фонди (NOASTEC) маълумотлари асосида тузилган.
21. [http://www.koreatimes.co.kr/www/news/biz/2015/04/123\\_177352.html](http://www.koreatimes.co.kr/www/news/biz/2015/04/123_177352.html).
22. Agency for Korean Food Cluster. [www.foodpolis.kr](http://www.foodpolis.kr).